

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

484 2012 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари
рени тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
17 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2283*

(2012 йил 1 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни-нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 12-сон, 219-модда) 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида»ги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 7-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. 2012 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари 1 — 165-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2010 йил 15 ноябрдаги 1-мб-сонли «2011 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2164, 2010 йил 16 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 50-сон, 478-модда) 2012 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор 2012 йил 1 январдан кучга киради.

Раис

Б. ТУРАЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 24 октябрь,
4-мб-сон

* 1 — 165-иловалар берилмайди.